

КУН МАВЗУЛАРИ

Ўзбекистон Россиядан ташқари меҳнат бозорларига юзланмоқда: пул жўнатмалари \$9,3 миллиардга етди

дақиқа аввал



Denis Sinyakov (Reuters)

Ўзбекистон расмийлари меҳнат миграцияси Европа ва Шарқий Осиёга кенгаётганини билдирмоқда. Аммо мигрантларга босим, рейд ва депортациялар кучайганига қарамай, Россия ҳамон асосий йўналиш: хориждаги ҳар 10 ўзбекистонлик меҳнат мигрантидан тахминан 6 нафари шу ерда ишлайди.

Бу маълумотлар Ўзбекистон [Марказий банки 12 август куни эълон қилган](#), 2026 йилнинг биринчи ярмидаги меҳнат миграцияси, трансчегаравий пул ўтказмалари ва жисмоний шахсларнинг валюта операцияларига бағишланган таҳлилий шарҳда келтирилган.

“Жисмоний шахсларнинг валюта операциялари бўйича таҳлилий шарҳ: 2026 йил биринчи ярим йиллиги” бундай турдаги илк ҳужжат эмас. Марказий банк 2024 йил ва 2025 йилнинг биринчи ярми бўйича ҳам шунга ўхшаш шарҳларни эълон қилган, 2026 йил март ойида эса халқаро миграция ва валюта операцияларига бағишланган кенгроқ таҳлилни тақдим этган.

Ҳисоботда турли манбалардан олинган маълумотлар жамланган. Пул ўтказмалари ва валюта операцияларига оид рақамлар Марказий банкка тегишли. Меҳнат мигрантларининг сони ва улар қайси давлатларда ишлаётганига доир маълумотларнинг катта қисми эса Ўзбекистон Миграция агентлиги баҳоларига асосланган ва мустақил равишда тасдиқланмаган.

Россия ҳамон етакчи, аммо расмий рақамлар йўналиш ўзгараётганини кўрсатмоқда

Ўзбекистон расмийлари **қарийб 1,4 миллион фуқаро 40 га яқин давлатда меҳнат қилаётганини** тахмин қилмоқда.

Россия ҳамон энг йирик меҳнат бозори бўлиб қолмоқда. Миграция агентлиги баҳосига кўра, у ерда **834,2 минг ўзбекистонлик** ишлайди. Бу хорижда ишлаётганлар расмий баҳоланган умумий сонининг қарийб 60 фоизига тенг.

Расмийларга кўра, Европа давлатларида **258 мингга яқин**, Қозоғистонда 84,4 минг, Туркияда 72,1 минг, Жанубий Кореяда 46,4 минг ўзбекистонлик ишламоқда. Яна 97,7 минг киши бошқа давлатларда меҳнат қилаётгани айtilган.

Агентлик хориждаги меҳнат мигрантларининг 398,9 минг нафари ёки 28,6 фоизини аёллар, 402,1 минг нафари ёки 28,9 фоизини ёшлар ташкил этишини билдирган.

Бироқ Марказий банк ҳисоботи миграция йўналишларида ўзгариш бўлаётганига ишора қилади.

Унда МДХ давлатларига меҳнат миграцияси **29 фоизга камайгани**, Европа йўналиши **42 фоизга**, Шарқий Осиё йўналиши эса **26 фоизга ўсгани** айtilган.

Бироқ ҳисоботда бу фоизлар қайси давр билан таққослангани ва уларни ҳисоблаш методологияси етарлича аниқ тушунтирилмаган. Бу эса қайд этилган ўзгариш кўламини мустақил баҳолашни қийинлаштиради.

Пул ўтказмалари географияси ҳам диверсификацияга ишора қилмоқда.

Буюк Британиядан пул ўтказмалари **62 фоизга**, Европа Иттифоқи давлатларидан **27 фоизга**, АҚШдан эса **19 фоизга** ошган. Ирландиядан ўтказмалар 86 фоизга кўпайган.

Бироқ бу ўсиш нисбатан кичик базадан бошланган. Европа Иттифоқи давлатларидан ўтказмалар \$251 миллиондан **\$319 миллионга**, Буюк Британиядан эса \$89 миллиондан **\$144 миллионга** кўтарилган.

Шу боис янги йўналишлардаги юқори ўсиш суръатларига қарамай, Россия Ўзбекистон меҳнат миграцияси ва пул ўтказмалари учун ҳали ҳам анча муҳим бозор бўлиб қолмоқда.

Россия мигрантлар учун мураккаброқ йўналишга айланди

Миграция географиясидаги ўзгариш Марказий Осиёлик меҳнат мигрантлари учун Россиядаги муҳит сўнгги йилларда тобора чекловчи тус олган бир пайтда кузатилмоқда.

Вазият айниқса **2024 йил март ойида Москва яқинидаги “Крокус Сити Холл” концерт залига ҳужумдан** кейин ёмонлашди. Ҳужум учун масъулиятни “Исломий давлат” экстремистик гуруҳи ўз зиммасига олган, иш бўйича бир неча Тожикистон фуқаросига айблов қўйилган.

Шундан кейин Марказий Осиёлик мигрантлар полиция рейдлари, таъқиб ва камситиш ҳолатлари кўпайганини билдиришди. Ҳуқуқ ҳимоячилари этник белгилар асосида текширувлар ва асоссиз ҳибсга олиш ҳолатларини қайд этган.

Россия Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, **2024 йилнинг биринчи ярмида қарийб 100 минг хорижлик мамлакатдан чиқариб юборилган**. Бу 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоиз кўп. Миграция билан боғлиқ иш жойларидаги текширувлар эса 2,5 баробардан зиёд ошган.

Чекловлар меҳнат бозорига ҳам тарқалди. 2024 йилда Россиянинг камида 13 ҳудуди хорижликларга айрим соҳаларда ишлашни тақиқлади. Чекловлар такси, умумий овқатланиш ва меҳмонхона хизматлари каби соҳаларни ҳам қамраб олди.

2025 йилда қоидалар яна кучайтирилди. Россияда қолиш учун қонуний асоси йўқ деб топилган хорижликлар энди **“назорат қилинадиган шахслар реестри”**га киритилиши ва уларга нисбатан чиқариб юбориш режими қўлланиши мумкин. Бу режим уларнинг ҳаракатланиши ва кундалик ҳаётидаги қатор ҳуқуқларини чеклайди.

Марказий Осиёлик мигрантлар ҳужжатларни расмийлаштиришдаги қийинчиликлар, узоқ давом этадиган полиция текширувлари ва иш жойларидаги рейдлар ҳақида ҳам хабар беришган. Айрим мигрантларни Россиянинг Украинадаги урушида қатнашиш учун ҳарбий шартнома имзолашга мажбурлаш ёки алдаш ҳолатлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Айни пайтда Россиянинг ўзи хорижлик ишчиларга муҳтож.

Россия 2022 йил феврилида Украинага қарши кенг кўламли уруш бошлаганидан кейин ҳарбий сафарбарлик, демографик муаммолар ва кўплаб россияликларнинг мамлакатни тарк этиши меҳнат бозоридаги танқисликни кучайтирди. Курилиш ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш берувчилар ишчи кучи етишмаслигига дуч келмоқда.

Натижада зиддиятли вазият юзага келган: Россия иқтисодиёти хорижлик ишчиларга эҳтиёж сезишда давом этмоқда, бироқ Марказий Осиёлик мигрантлар учун ҳуқуқий ва ижтимоий муҳит тобора чекловчи тус олмоқда.

Марказий банк **Украинадаги уруш, Россияда миграция сиёсатининг кучайтирилиши ёки Марказий Осиёликларга нисбатан муносабат ёмонлашганини** Европа ва Шарқий Осиёга миграция ўсишининг сабаби сифатида кўрсатмайди.

Ҳисобот бу тенденцияни, асосан, маошлар ўртасидаги фарқ, бой давлатлардаги ишчи кучи танқислиги ва Ўзбекистоннинг янги ташкилий меҳнат миграцияси йўналишларини очиш ҳаракатлари билан изоҳлайди.

Мавжуд маълумотлар бу жараёнлар бир вақтда кечаётганини кўрсатади, аммо улар ўртасида сабаб-оқибат боғлиқлигини исботламайди.

Пул ўтказмалари \$9,3 миллиардга етди

Шу шароитда 2026 йил январь-июнь ойларида Ўзбекистонга трансчегаравий пул ўтказмалари **\$9,3 миллиардга** етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоиз ёки қарийб \$1,1 миллиард кўп.

Ўзбекистондан хорижга ўтказилган маблағлар эса \$1,3 миллиардни ташкил этган.

Бироқ долларда ҳисобланган ўтказмаларнинг 13 фоизга ўсиши мигрантлар реал ҳисобда ҳам 13 фоиз кўпроқ пул топган ёки жўнатганини англатмайди.

Марказий банк Россия рубли 2025 йилнинг биринчи ярмига нисбатан АҚШ долларига нисбатан ўртача **13,5 фоизга мустаҳкамланганини** қайд этган. Россияда номинал иш ҳақи биринчи чорақда 15,1 фоизга, реал иш ҳақи эса 8,7 фоизга ошган.

Марказий банк пул ўтказмаларини долларда ҳисоблаши сабабли рублнинг мустаҳкамланиши Россияда олинган даромаднинг доллардаги қийматини ҳам оширади. Демак, ўтказмалар ҳажмидаги ўсишнинг бир қисми валюта курси ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Картадан картага ўтказмалар анъанавий тизимларни ортида қолдирди

Ҳисобот пул жўнатиш усулларида ҳам жиддий ўзгариш бўлганини кўрсатади.

Банк карталарига тўғридан-тўғри Р2Р ўтказмалар **32 фоизга ўсиб, \$4,8 миллиардга** етган ва барча кирувчи ўтказмаларнинг 51,7 фоизини ташкил этган.

Анъанавий халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали \$4,3 миллиард ёки жами ўтказмаларнинг 46,7 фоизи келиб тушган. Бу канал орқали ўтказмалар атиги 0,3 фоизга ўсган.

SWIFT орқали ўтказмалар эса 43 фоизга камайиб, \$142 миллионни ташкил этган.

Шундай қилиб, картадан картага тўғридан-тўғри ўтказмалар биринчи марта анъанавий халқаро пул ўтказмалари тизимларидан йирикроқ каналга айланган.

Аҳоли банкларга \$12,3 миллиард валюта сотди

Ҳисоботдаги яна бир йирик рақам Ўзбекистон ички валюта бозорига тааллуқли.

Жисмоний шахслар 2026 йилнинг дастлабки олти ойида банкларга **\$12,3 миллиардлик хорижий валюта сотган**. Бу бир йил аввалги кўрсаткичдан 35 фоиз кўп.

Айни пайтда аҳоли банклардан \$6,8 миллиард валюта сотиб олган — бу 26 фоизлик ўсиш.

Жисмоний шахслар иштирокидаги валюта операцияларининг умумий ҳажми **\$19,1 миллиардга** етиб, бир йилда 31 фоизга ошган.

Натижада аҳоли банкларга сотиб олганидан **\$5,5 миллиард кўпроқ валюта сотган**. Ўтган йилнинг шу даврида бу фарқ \$3,7 миллиард эди.

Марказий банк маълумотида кўра, жисмоний шахсларнинг ички бозорга соф валюта етказиб берувчи сифатидаги роли ҳам ошмоқда: соф таклифнинг чакана валюта айланмасидаги улуши 26 фоиздан 29 фоизга кўтарилган.

Мигрантлар даромадлари бу валютанинг манбаларидан бири. Бироқ рақамлар жавобсиз савол ҳам туғдиради.

Ўзбекистонга трансчегаравий пул ўтказмалари \$9,3 миллиардни ташкил этган бир пайтда, аҳоли банкларга **\$12,3 миллиард валюта сотган**. Орада қарийб **\$3 миллиард фарқ** бор.

Бу икки кўрсаткич турли операцияларни ифодалайди ва уларни тўғридан-тўғри таққослаб бўлмайди. Банкларга сотилган валюта аввалдан тўпланган жамғармалар, Ўзбекистонга нақд олиб кирилган пул, туризм ва бошқа манбалардан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Бироқ Марказий банк шарҳида аҳоли сотган \$12,3 миллиард валютанинг манбалари тўлиқ очиб берилмаган.

Ўзбекистон янги меҳнат бозорларини изламоқда

Ўзбекистон расмийлари бойроқ давлатларга ташкилий меҳнат миграцияси йўналишларини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳисоботга кўра, Ўзбекистон **23 давлат билан 48 та келишувга эришган** ва **36 мамлакатдаги 325 дан ортиқ иш берувчи ҳамда рекрутинг компанияси** билан алоқа ўрнатган.

Миграция агентлиги бу йил **124,5 минг ўзбекистонлик юқори даромадли иш ўринларига жойлаштирилганини** билдирган. Бу агентликнинг расмий маълумоти бўлиб, Марказий банк ҳисоботида мустақил тасдиқланмаган.

АҚШ, Италия, Швеция, Франция ва Словения янги ёки истиқболли йўналишлар қаторида тилга олинган.

Марказий банк бой давлатларда аҳолининг қариши ва ишчи кучи танқислигини Ўзбекистон учун имконият сифатида кўрмоқда.

Ҳисоботда келтирилган прогнозларга кўра, 2030 йилга бориб Европа иқтисодиётларида **7,5 миллиондан 10,5 миллионгача ишчи етишмаслиги** мумкин.

Германиянинг ўзи йилига камида 400 минг малакали мигрантга эҳтиёж сезиши мумкин.

Шунингдек, Японияда 6-7 миллион, Жанубий Кореяда 1,2-1,5 миллион, Саудия Арабистонида 1,5-2 миллион, Бирлашган Араб Амирликларида эса қарийб 1 миллион ишчи етишмаслиги мумкинлиги ҳақидаги прогнозлар келтирилган.

Бироқ бу рақамлар **Ўзбекистонликларга таклиф этилаётган иш ўринлари ёки улар учун ажратилган квоталар эмас**. Улар ушбу давлатлар меҳнат бозорларида кутилаётган умумий ишчи кучи танқислигига оид прогнозлардир.

Ўзбекистон бу имкониятлардан қай даражада фойдалана олиши миграция қоидалари, тил билиш, касбий малака, дипломларни тан олиш ва бошқа давлатлардан келадиган ишчилар билан рақобатга боғлиқ.

Диверсификация бор, қарамлик ҳам сақланмоқда

Янги рақамлар мураккаб манзарани кўрсатади.

Расмий баҳолар Ўзбекистон меҳнат миграцияси аста-секин собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги анъанавий бозорлардан ташқарига кенгаяётганини, Европа ва бошқа юқори даромадли мамлакатлардан пул ўтказмалари тез ўсиб бораётганини кўрсатмоқда.

Бироқ хорижда ишлашга боғлиқлик кўлами ҳамон катта. Расмийлар **1,4 миллионга яқин фуқаро хорижда ишлаётганини** баҳоламоқда, олти ойнинг ўзида эса мамлакатга \$9,3 миллиард трансчегаравий маблағ кириб келган.

Россиянинг ўзида ҳали ҳам тахминан **834,2 минг ўзбекистонлик** меҳнат қилмоқда.

Европа ва бошқа юқори маошли меҳнат бозорларига кириш имкониятининг кенгайиши Ўзбекистоннинг битта давлатга ҳаддан ташқари боғланиб қолиши билан боғлиқ хатарларни камайтириши мумкин.

Аммо ҳозирча Россия Ўзбекистон учун асосий хорижий меҳнат бозори бўлиб қолмоқда — гарчи у Марказий Осиёлик кўплаб мигрантлар учун яшаш ва ишлаш тобора қийинлашаётган мамлакатга айланган бўлса ҳам.

